



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 60 (12.121)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ



Янгиланиш ва яшариш фасли — Наврўз бу йил ўзгача шукуҳ ва ўзгача тароват билан гўзал дийримизга кириб келди. Орзиқиб кутилган бу баҳорий байрам том маънода халқимизнинг дил қувончи ва кўнгил шодийнаси тантаналарига айланиб кетди.

Жумладан, пойтахтимиздаги барча маданият ва истироҳат боғларида, майдонларда, маданият ва санъат масканларида ҳамда маҳалла гузарларида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган кенг қамровли оммавий-маданий тадбирлар бўлиб ўтди. Ушбу байрам тадбирларига ташриф буюрганлар санъаткорларнинг чиқишлари, сумалак, ҳалим, кўк сомса каби Наврўз таомлари ва жозибали халқ ўйинлари томошаларидан баҳраманд бўлдилар.

— Ҳар йили оиламиз билан Наврўз байрамини интиқлик билан кутамиз, — дейди чилонзорлик Абдулла Шамсутдинов. — Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлди. Шу кун икки кита саҳнада байрам томошалари намойиш этилди. Севимли санъаткорларимизнинг қўшиқлари дилмизни хушнуд этди. Кун бўйи давом этган сайилда халқимизга хос анъаналардан баҳраманд бўлган оила аъзоларимизнинг дили гурур ва ифтихорга тўлди.

(Давоми 3-бетда)

Фахр

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йилнинг 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи, шунингдек, пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўзга бағишланган тантанали маросимдаги байрам табриги ҳамшаҳарларимизга кўтаринки руҳ бағишлади.

Айрим фуқароларимиз тахририятимизга мурожаат қилиб, бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришяпти...

Бахтинур САИДОВ,
Учтепа туманидаги Журжоний маҳалла фуқаролар йиғини раиси:
— Бу йилги Наврўз байрами деярли барча маҳаллаларда кўтаринки руҳда ўтказилган, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларга меҳр-муруват кўрсатиляпти. Шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг кунги кеча Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида: «Маҳалла — халқ виждони», — деган сўзларидан қаттиқ таъсирландим.

Сессияда маҳаллани том маънода ўзини ўзи бошқариш идорасига айлантириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кучайтириш масаласи бундан буён ҳам эътибор марказида туриши зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Бизда маҳалла фуқаролар йиғини раиси шу ҳудудда яшайдиган аҳоли вакиллари тарафидан мукобиллик асосида сайланади. Сайландингми, энди маҳалладошларнинг ишончини оқлашинг керак.

Бу вазифанинг ўзига яраша шарафи ҳам, албаттаки, катта масъулияти ҳам бор. Аввало, маҳалла оқсоқоли фаолияти кўпқиррали экани билан ажралиб туради. Қолаверса, маҳалла — шаҳарнинг бир бўлаги экан-

ми, демак, шаҳримиз равнақи ва ободлиги оқсоқоллар ва маҳалла фаолларига ҳам бевосита боғлиқ. Бу тўғрида Юртбошимиз ўз нутқларида жумладан, шундай дедилар: «Бизнинг бугунги ва эртанги тараққиётимиз билан боғлиқ энг муҳим масалалар — бу қурилиш ёки ободонлаштириш бўладими, коммунал хизмат, маънавий ҳаётимизни юксалтириш, оила, ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалалар бўладими — буларнинг барчасида мен, аввало, кўпни кўрган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларини ўзимнинг энг яқин кўмакчим, таянчим, суянчим, деб биламан...»

Биз ана шу юксак ишончга лойиқ бўлишимиз керак.

Баҳодир ЮСУПОВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази Яққасарой туман бўлими раҳбари:
— Президентимизнинг ҳар бир чиқишларини диққат билан кузатиб бораман. Юртбошимиз раҳнамолигида Тошкентни янада раванг топиши ва ободонлаштирилиши мамлакатнинг барча аҳолисини қувонтиради.

Одамларимиз бир нарсани англаши керакки, пойтахтимизнинг йил сайин гўзаллашиб бораётгани ўз ўзидан юз бераётгани йўқ. Бу муайян режа, мақсад ва замон талаблари асосида изчил равишда амал-

га ошириб келинаётган устувор ва зифалар натижасидир.

Маънавият тарғиботчилари ана шу янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламлари онг-тафаккури ва қалбига етказиши лозим.

Расулжон АҲМАДЖОНОВ,
Тошкент шаҳар Йўл қурилиш ва таъмирлаш трести махсус участка бошлиғи:

— Тошкент кейинги йилларда кўп шаҳарларга намуна бўладиган даражада ўзгариляпти.

Президентимиз шаҳарсозлик, айниқса, йўл қурилишида етти эмас, етмиш марта ўлчаб, бир кешиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. «Ҳозирги вақтда Тошкентга келаятган одамлар йўлларимизнинг кенглигини кўриб, ҳайрон қолмоқда. Аммо бу йўлларнинг қандай қийинчиликлар билан кенгайтирилаётганини кўпчилик билмайди», — дедилар Юртбошимиз. Йўл қурилиши соҳасининг вакили сифатида мен бу фикр замирида чуқур маъно борлигини ҳис этаман.

Бугунги кунда йўл қурилиши борасида ҳозиргача қилинган ишлар катта лойиҳаларнинг бошланиши. Насиб этса, келгусида пойтахтимизни янада ҳар тарафлама замонавий, жумладан, йўллари кенг ва раванг шаҳарга айлантирамиз.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2012 йил 23 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси очилди. Унда ялпи мажлисга таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини кўриб чиқиб, маъқуладилар.

Конституциявий Қонунни муҳокама қилиш жараёнида унинг қабул қилиниши Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг навбатдаги сайловларини тайёрлаш ва ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг принциплари ва талабларига, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган принциплари ва нормаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаши кўрсатиб ўтилди.

Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши сайловларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида давлат ҳокимияти тизимининг мустақамлиги, барқарорлиги кафолатларини таъминлаш ва кучайтиришга, мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ёрдам бериши таъкидланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида тайёрланган қонунларни ҳам кўриб чиқиб, маъқуладилар.

Булар орасида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун мумкин қадар қулай шароит яратиш, тадбиркорлик субъектларига зарур имтиёз ва кафолатларни бериш, шу жумладан бунда мазкур субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида тайёрланган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бор. Хусусан, Қонуннинг асосий янгиланган бири тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи белгилаб қўйлаётганлигидан иборат бўлиб, бу принципга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда қонун ҳужжатларида юзага келадиган, бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилиши кўрсатиб ўтилди.

Шундан кейин сенаторлар Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилдилар. Улар ушбу Қонун Мустақам оила йилида қабул қилинаётганлиги алоҳида аҳамиятга эгаллигини қайд этиб, унинг қоидалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг гоят муҳим шакли сифатида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий база яратишини, оилавий корхоналар учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришини, иқтисодийнинг турли соҳаларида оилавий бизнесни кенг ривожлантириш ҳамда мамлакатда янги иш ўринлари очиш учун зарур ҳуқуқий шароитларни таъминлашни таъкидладилар.



● Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус – 2012» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди. Анъанавий танловнинг шаҳар ва туман босқичларида 250 нафар тадбиркор, 278 нафар фермер ва 220 нафар хунарманд иштирок этди. Республика босқичи ғолибларига махсус диплом ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланмалар топширилди.

● Тошкентдаги Миллий санъат марказида «Болажонлар — ширинтойлар — 2012» болалар мода фестивалининг якуний намойиши бўлиб ўтди. Мазкур анъанавий тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Осиё рамзи» дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Наврўз байрами арафасида Бухоро, Жондор, Қоракўл, Олот туманларида яшовчи аҳоли учун «Бухоро — Хўжа-давлат» йўналишида шаҳарлараро поезд қатнови йўлга қўйилди. Темир йўл транспорт хизмати қулайлиги ва арзонлиги билан йўловчиларга манзур бўлмоқда.

● Наврўз умумхалқ байрами арафасида Термиз шаҳридаги кўп тармоқли тиббиёт марказининг барча қулайликларга эга бўлган замонавий жаррохлик мажмуаси ишга туширилди. Бу ерда 4,2 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

● Қирбай тумани Байтқўрғон қишлоғидаги иқтисодиёт ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда тумандаги 40 дан зиёд корхона ёшларга мўлжалланган бўш иш ўринлари билан қатнашди. Тадбир давомида коллеж битирувчиларининг 36 нафари ўқишни якунлагач, иш бошлаш учун тегишли корхона ва ташкилотлар билан шартнома имзоланди.



● Бугун Жанубий Кореянинг Сэул шаҳрида ядро хавфсизлиги масалаларига бағишланган саммит бошланди.

● Кеча Молдованинг Кишинёв шаҳрида Молдова ва Руминиянинг бирлашиши тарафдорлари ҳамда бунга қарши бўлганлар ўртасида тўқнашув юз берди.

● Бугун «Титаник», «Терминатор» каби машҳур фильмлар режиссёри Жеймс Кэмерон Тинч океанининг 11 километрдан ошиб чуқурликда бўлган Марианна ботиғига махсус мослама ёрдамида тушди. У олти соат давомида сув остидаги ҳаётга бағишланган ҳужжатли фильмни суратга олади. Бу Марианна ботиғига тушган учинчи одамдир.

● Кеча Лондонда бундан 100 йил муқаддам сувга фарқ бўлган «Титаник» кемасидан топилган энг ноёб топилмалардан ташкил топган кимшоди савдоси бошланди.

● Би-би-си телеканали тарқатган маълумотларга кўра, Буюк Британияда шу пайтгача номанъум бўлган ҳазина аниқланди. Қумудан ясалган ўттиз минг қадимий рим тангаларидан иборат ҳазина ноёблиги ва катталиги бўйича мамлакат ҳудудидан аниқланган бешинчи топилма саналади. Археологлар 270-йилларга тегишли бўлган ушбу ноёб тангаларни Англиянинг жануби-ғарбий ҳудудида жойлашган Бат шаҳридан топдилар.

● Италияда бундан икки ой олдин сувга фарқ бўлган «Коста Конкордиа» йўловчи ташувчи кемасининг ҳалокати оқибатида ҳалок бўлганлар сони ўттиз нафарга етди. Ҳамон қидирув ишларини олиб бораётган ғаввослар яна беш кишининг жасадини топди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши
1-бетда)

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан тайёрланган «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқдилар. Ушбу Қонун сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, шу жумладан сугурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини сугурта соҳасидаги ҳақон амалиётини ҳисобга олган ҳолда тартибга солиш ҳамда амалга ошириш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, баъзи қонун ҳужжатларининг қоидаларини «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мослаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқдилар. Қонун одоб-ахлоққа қарши жиноятлар ва қонунбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш воситасида жиноят ва маъмурий қонун ҳужжатлари-

ни янада такомиллаштиришга, зўравонликни, шафқатсизлик ва порнографияни тарғиб қилувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган. Сенаторлар «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадди конвенциясига (Женева, 2003 йил 21 май) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни хар томонлама муҳокама қилганларидан кейин маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 июлдаги «Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини беқор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги Қарорини ижро этиш юзасидан тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқилиб, маъқулланди. Сенаторлар ушбу Қонуннинг қабул қилиниши билан хорижий расмий ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш тартиби анча осонлаштириш кўрсатиб ўтилди. Легаллаштириш тартиб-таомили ўрнини бир давлатда яратилиб, бошқа давлатга топширилиши керак бўлган расмий ҳужжатларга қўйиладиган махсус штамп – апостиль олади.

Шу билан бирга сенаторлар «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни рад этиш ҳамда қайта ишлашга юбориш ҳақида қарор қабул қилдилар. Хусусан, улар ушбу Қонунни давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йилнинг асосий яқунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Ҳукумат олдида қўйилган инвестиция фаолиятини такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда ва чуқур ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатиб ўтилди.

Сўнгра сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги масалани қўриб чиқдилар. Муҳокама яқунлари бўйича Олий Мажлис Сенати тегишли Қарор қабул қилди.



Шундан кейин сенаторлар конституциявий ваколатларига мувофиқ бир қатор муассасалар, вазирликлар ва идораларнинг 2011 йилдаги фаолиятига доир ахборот ва ҳисоботларни эшитишга киришдилар.

Чунончи, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, тасдиқладилар. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан парламент палаталарининг қўмиталари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкорликда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан парламент назоратини таъминлаш механизми такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан катта иш олиб борилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳисобот йилида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси миллий қонун ҳужжатларига, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлиги жиҳатидан ҳуқуқий эксперти-

дан ўтказилди ва баҳоланди, солиқ ва бюджет сиёсатининг ҳамда 2012 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг асосий йўналишлари экспертиза қилинди. Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджетининг шакллантирилиши ва ижро этилиши устидан назорат ташкил этилди, бюджет маблағларининг фойдаланишининг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги текширилди.

Омбудсманнинг вакиллари 2011 йилда Амнистия актини қўллаш тартиби устидан жамоат назорати-

дан асосий йўналиш бўйича 116 та объектида назорат тадбирлари ўтказилди. Ушбу тадбирларнинг натижалари текшириб чиқилган вазирлик ва идораларнинг вакиллари билан ўтказилган қўшма мажлисларда ҳар томонлама муҳокама қилинди. Олий Мажлис Сенатининг тавсияларини янада қўллаш бўйича ҳисобот даври мобайнида касб-хуна қоллежлари қуриш, уларни реконструкция қилиш, жорий таъмирлаш ва жиҳозлашга, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрни босадиган товарлар ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги иш ўринлари ташкил этишга ажратилган маблағлардан ҳам тинглаб, муҳокама қилдилар. Мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, ҳисобот йилида Ҳисоб палатасининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов томонидан 2011 йил 21 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган ғоят муҳим вазифалар асосида амалга оширилди.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудит-

дан ўтказилди ва баҳоланди, солиқ ва бюджет сиёсатининг ҳамда 2012 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг асосий йўналишлари экспертиза қилинди. Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджетининг шакллантирилиши ва ижро этилиши устидан назорат ташкил этилди, бюджет маблағларининг фойдаланишининг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги текширилди.

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан 42 та асосий йўналиш бўйича 116 та объектида назорат тадбирлари ўтказилди. Ушбу тадбирларнинг натижалари текшириб чиқилган вазирлик ва идораларнинг вакиллари билан ўтказилган қўшма мажлисларда ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг тавсияларини янада қўллаш бўйича ҳисобот даври мобайнида касб-хуна қоллежлари қуриш, уларни реконструкция қилиш, жорий таъмирлаш ва жиҳозлашга, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрни босадиган товарлар ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги иш ўринлари ташкил этишга ажратилган маблағлардан ҳам тинглаб, муҳокама қилдилар. Мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, ҳисобот йилида Ҳисоб палатасининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов томонидан 2011 йил 21 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган ғоят муҳим вазифалар асосида амалга оширилди.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудит-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

«AGRO BIO KIMYO» — АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Яқкасарой туман бўлими томонидан туман сув тармоқлари корхонасида Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари асосида «Маънавиятга таҳдид — ўзлимиз ва келажакимизга таҳдид» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

✓ **БУГУН** шаҳримиздаги «Тўйтепа» маҳалласида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган «Фуруримсан, Наврўзим!» мавзусида адабий кеча ва концерт дастури уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Халқаро театр кунига бағишлаб Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Театр — ҳаёт кўзгуси» мавзусида театр актёрлари иштирокида адабий кеча ўтказилди.

Шу мақсадда республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан 2008 йилда «Ўзфармасаноат» ДАК тизимида дезинфекцияловчи воситалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «AGRO BIO KIMYO» МЧЖ корхонаси ишга туширилган. Утган қисқа вақт ичида мазкур корхона замонавий технологиялар билан жиҳозланиб, ўндан ортиқ турдаги импорт ўринли босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. Мазкур корхона биргина юртимиз эҳтиёжи учун етарли дезинфекцияловчи воситалар етказибгина қолмай, Бирлашган Араб Амирликлари, қўшни Қозоғистон сингари бир қатор давлатларга ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Мана шу ишларнинг самараси натижасида корхона бир неча маротаба тиббиёт кўргазмаларида фахрий ёрлик ва диплом билан тақдирланди. Шунингдек, мазкур корхонага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 январдаги «2011-2012 йилларда Тошкент вилоятининг Охангарон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли туризм даражасини оширишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига биноан, доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаши учун 38,4 гектарлик ер майдони ажратилди. Бу эса унинг ўз фаолиятини янада кенгайтиришга, тиббиёт соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш имкониятини беради.

Маълумки, ўлкамизда кунлар исий бошлаши билан юқумли касалликлар пайдо бўлиши эҳтимоли янада кучая бошлади. Шу мақсадда аҳоли турар жойлари, маҳаллалар, корхона, ташкилотлар, сув ҳавзалари, чегара ҳудудлар ва шунга ўхшаш қатор объектларни доимий равишда назоратдан ўтказиб туриш ҳамда уларга юқори даражадаги зарарсизлантирувчи воситалар етказиб бериш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Яқинда мазкур корхона томонидан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Сурхондарё вилоятларининг экологик жиҳатдан ноқулай бўлган ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолисига 2 миллион 100 минг сўм миқдоридagi «Тозаден» воситаси етказиб берилди. Шунингдек, Жиззах вилоятининг Фаллаорол туманидаги Жума, Қоризқудуқ ва Жийдали қишлоқлари аҳолисига «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилоят бўлими кўмагида 1 млн. 150 минг сўм миқдоридagi тиббиёт воситалари етказилди. Чилонзор туманидаги 23-сонли «Меҳрибонлик уйи»га 1 млн. 540 минг сўмлик, Тошкент вилояти ҳудудидаги мавжуд юқумли касалликлар ўчоқларида дезинфекциялаш ишларини ўтказиш учун 8 млн. 700 минг сўм миқдоридagi зарарсизлантирувчи воситалар ҳомийлик ёрдами тариқасида топширилди.

Бундан ташқари, «AGRO BIO KIMYO» МЧЖ корхонаси йил бошидан буюн 4-сонли шаҳар туғруқ комплекси, республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ҳамда бошқа хусусий ва давлат тиббиёт шифохоналарини ҳам «Тозаден», «АБК-экстра», «Экстра-Дез», «Дел-1» сингари дезинфекция воситалари билан таъминлади.

Қайд этиш зарурки, мазкур корхона жамоаси биргина юқоридаги фаолият билан чекланиб қолганича йўқ. Айни пайтда корхона мутахассислари турли хил юқумли касалликларни мамлакатимизга кириб келиши ва тарқалишига қарши янги препаратлар кўламини кенгайтириш мақсадида Тошкент Фармацевтика институти ва Ўзбекистон Миллий университетининг кимё кафедраси олимлари билан ҳамжиҳатликда ишлаб келишмоқда.

Абдусайд НУРБОЕВ

Қарор ва ижро

«МИКРОКРЕДИТБАНК»: ЯҚУН ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Тошкентда «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш аҳоли бандлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улушини кўпайтириш ва одамлар турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Микромолиялаш иқтисодиётнинг ушбу секторини барқарор ривожлантиришга ёрдам берадиган энг самарали механизмлардан бири эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ушбу йўналишни ривожлантиришнинг янги истиқболларини очиб берди.

Бугун «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки Марказий Осиё ва Европада энг яхши микромолия банклари сирасига киради. Унинг фаолияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, айниқса, қишлоқ жойларда, дастлабки капитални шакллантириш, янги корхоналарни ташкил этиш, қўшимча иш ўринларини яратишга кўмаклашиш, шунингдек, тадбиркорларнинг ўз фаолиятини кенгайтириш ҳамда айланма маблағларни тўқдириши учун имтиёзли кредит ресурсларидан кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган. Йиғилишда банкнинг 2011 йилги фаолияти яқунлари сарҳисоб қилиниб, Президентимиз томонидан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган 2012 йилдаги истиқбол вазифалари белгиланди.

«Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси Ҳамшид Сайфиддиновнинг айтишича, 2011 йилда банк фаолияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратишга кўмаклашишга қаратилган. Утган йили 383,5 миллиард сўм ёки банк активларининг 77,5 фоизи кредит қўйилма-ли улушига тўғри келди. Жумладан, умумий қўйилмаларда қисқа муддатли кредитлар улуши 20,5 фоиз, узоқ муддатли кредитлар улуши 79,5 фоизи ташкил қилди.

Йиғилишда 2011 йилда банк кредитларидан фойдаланган хўжалик юритувчи кичик бизнес субъектлари сони 1,3 баробар кўпайгани қайд этилди. Ҳисобот даврида уларга 288,6 миллиард сўм ҳажмидаги кредитлар ажратилди.

Йиғилишда «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкнинг капиталлаштириш даражасини ва умумий низоом капиталида нодавлат сектор улушини ошириш, банк рейтингини янгилашда уни етакчи халқаро рейтинг агентликларини томонидан мунтазам равишда ошириб борилишини таъминлаш, банкнинг даромадларини кўпайтириш, ажратилаётган кредитларнинг тармоқлараро мутаносиблигини таъминлаш ва бошқа масалалар бўйича 2012 йилга мўлжалланган вазифалар белгиланди.

«Мустаҳкам оила йили»да «Микрокредитбанк» оилалар учун ҳар томонлама қулайликлар яратиш, болаларни тарбиялаш, оила даромадларини кўпайтиришга қаратилган «Оила фаровонлиги учун» хизматлар пакетини тақдим этди.

«Келажак учун интеллектуал инвестициялар» кредити «Микрокредитбанк» янгиликларидан бири ҳисобланади. Ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган ушбу кредит ота-оналар ёки яқин қариндошларга ажратилади. У олий ўқув юртига ўқишга киришда тайёрлов курсларида, шунингдек, тил ўрганиш ва компьютер саводхонлиги курсларида ўқиш, спорт билан шуғулланиш ҳамда касб ўрганиш учун тўлашга мўлжалланган. Кредитлар бир ярим йил муддатга энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида берилади.

«Микрокредитбанк» кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқда бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш, мамлакатимиз саноатининг истиқболли лойиҳаларини молиялаш-ни давом эттиради.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири**

ЧЕХИЯДА ЎЗБЕКИСТОН БИЛИМДОНЛАРИ ТАНЛОВИ

Праганинг Метрополь университетиди талабалар ўртасида «Ўзбекистон ҳақида ким яхши билади» мавзусида танлов ўтказилди. Чехиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси маълумотларига кўра, билимдонлар танлови 27 март кунини бўлиб ўтади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, беллашув Чехия олий ўқув юрлари талабаларининг Марказий Осиёдаги энг диққатга сазовор мамлакат Ўзбекистон ҳақидаги билимларини янада бойитишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унда Праганинг Иқтисодиёт ва Метрополь университетлари талаба-ёшлари ўзаро беллашади.

Танловда Ўзбекистон ҳақидаги мақолалар, ўзбек миллий таомлари намойиш этилади. Тадбир иштирокчиларига махсус эсдалик совғалари ҳам топширилади.

«Туркистон-пресс»

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎ ШУКУҲИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун 14 та жойда, жумладан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида, Бобур, Мирзо Улуғбек, Абдулла Қодирий, Фафур Фулом, «Боғишамол», «Гулшан», «Янги Сергели» номидаги маданият ва истироҳат боғларида, Навоий театри олд майдонида, Ибн Сино мавзеи гузаридида, Авиасозлар маданият саройида, Сайилгоҳ кўчасида ҳамда Бектемир спорт мажмуасида Наврўз байрамига бағишланган халқ сайиллари ўтказилиб, томошалар ташкил этилди. Бундан ташқари байрам томошалари шаҳарда жойлашган барча 476 та маҳаллаларда кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

– Наврўз ўзининг бетакорр шуқуҳи билан ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди, – дейди фарғоналик Мунаввар ая Мирзаева. – Набираларим билан

пойтахтдаги Наврўз байрами шодиёналарини томоша қилиш учун келиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғидаги халқ сайли ва байрам томошаларидан бир олам қувонч ва таассурот олиб уйга қайтадиган бўлдик. Халқимизнинг аҳиллиги ва бирдамлигига кўз тегмасин.

– Дугоналарим билан Навоий театри ёнидаги майдонда ташкиллаштирилган байрам томошасида бўлдик, – дейди Тошкент фармацевтика институти талабаси Милоҳат Мирзаева. – Сеvimли санъаткорларимизнинг чиқишларидан дилимиз яйради. Майдондаги мусиқали камалакранг фаввора атрофида яйраб рақсга тушдик. Янгиланиш ва яшариш рамзи бўлмиш Наврўз байрами юқорида таъкидлаб ўтганимиздек маҳаллаларда ҳам кенг нишонланмоқда.

– Байрамга катта тайёргарлик кўрдик, – дейди Яққасарой туманидаги «Яққасарой» маҳалласи оксоқоли Ниғмон ака Низомов. – Наврўз арафасида 400 туп мевали кўчат олиб келиб кўчаларимизга ўтқаздик. Маҳалламиз аҳли учун байрам дастурхони ташкил этилиб, сархил Наврўз таомлари тортилди. Маҳалла тadbиркорлари томонидан кам таъминланган оилаларга меҳр-муруват ва саховат кўрсатилди.

Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тadbирлар юртимизда, шаҳримизда кенг давом этмоқда. Баҳорнинг уйғониш, янгиланиш ва яшариш байрами, ободлик ва гўзаллик рамзи – Наврўзи олам шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига улкан қувонч бағишламोқда. Қалбимиздан Наврўз шуқуҳи ҳеч қачон аримасин, азизлар!

Эргаш
ИСМАТУЛЛАЕВ

Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ассалом, Наврўзи олам!» деган тadbир бўлиб ўтди. Республика Байналмилал маданият маркази томонидан ташкил этилган тadbирга мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар, хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, кенг жамоатчилик таклиф этилди.

ЭЗГУЛИККА ИНТИЛГАН ҚАЛБЛАР

Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Мухаммадиев, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маъруфова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ўзаро ҳамжихатлик, аҳиллик ва бағрикенглик муҳити барқарорлиги таъминланаётгани барча соҳаларимизни изчил ривожлантириш, оқсоқиллик ва фаровон ҳаётимизни янада зиёда этиш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги образини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Миллати, диний эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларнинг эркин яшаши, пухта таълим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз иқтидорини ва қизиқишини бўйича касб-хунар эгаллаши, меҳнат қилишига доир ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган. Истиқлол йилларида юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун имкониятлар яратиш, уларни ягона мақсад – озоод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида янада жипслаштириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мустақилликнинг илк йилларида ташкил этилган Республика Байналмилал маданият маркази юртимиздаги 140 дан зиёд миллий маданий марказ ишини мувофиқлаштириш, уларга зарур кўмак кўрсатиш, ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимиздаги меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Марказ томонидан шу мақсадда турли ижтимоий лойиҳалар, «Ўзбекистон – умумий уйимиз», «Ўзбекистон – кўп миллатли аҳил оила» мавзусидаги дўстлик фестиваллари, концертлар, кўрик-танловлар, бадий-фото кўргазмалари ўтказилмоқда.

– Турли миллат ва элат вакилларининг Ватанимиз Ўзбекистонда ўзаро ҳамжихатликда истиқомат қилаётгани Наврўздек умумхалқ байрамларида яна бир бор ўз ифодасини топмоқда, – дейди полк миллий маданий маркази раиси Олег Скуридин. – Бу айём бунёдкорлик, яшариш ва янгиланиш тантанаси, барчамизнинг ягона мақсадимиз ифодасидир. Бугунги байрамда мусаффо осмонимиз, тинч-оқсоқиллик ва тотув ҳаётимизни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш ва янада зиёда этишни тараннум этган қўшиқ ва рақсларимизни ижро этдик.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Байрамлар азал-азалдан ҳар бир халқ ва миллатнинг орзу-умидларини, турмуш тарзини, маданиятини, анъана ва қадриятларини ўзида ифодалаб келган.

Наврўз халқимиз асрлар давомида шодиёна, хурсандчилик билан нишонлаб, ардоқлаб келаятган байрамлар сирасига кирди. Наврўз билан боғлиқ қадимий анъаналар, урф-одатлар бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Президентимиз Наврўз байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табригида таъкидлаганидек, «Наврўзи олам том маънода ўзининг руҳи ва гоғлари билан инсоннинг доимо она ер ва табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаши, ҳар қайси одамнинг қалбида, унинг дини ва миллатидан қатъи назар, яшамок ва яратмоқ интилишларини уйғотиш, аҳиллик ва бирдамлик туйғуларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиб келмоқда».

Ортбосимизнинг байрам табригидан руҳланган ҳамшаҳарларимиз тахририятимизга келиб, қўнғироқ қилиб ўз дил суғаришини баён этмоқдалар. Қуйида улардан айримларини келтириб ўтамиз:

Аҳор ФУЛОМОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоати фонди Яққасарой тумани бўлими раиси:

– Туманда 18 та маҳалла мавжуд бўлиб, унда қарийб 90 минг нафар турли миллат ва элатлар вакиллари тинч-тотув истиқомат қилаётди. Уларнинг барчаси жонажон Ўзбекистонни ягона Ватан деб қадрлайди, ардоқлайди. Юртбошимизнинг байрам табригида таъкидланганидек, «Халқимиз азал-азалдан ёшлиқни умр баҳори, деб таърифлайди, фарзандларига атаб ниҳол экиб, боғ яратди». Биз ҳам байрамга тайёргарлик жараёнида қарийб 20 минг


тугдан зиёд манзарали ва мевали дарахт ниҳолларини бўш майдонларга эқдик. Ташкилот ва муассасалар ходимлари, маҳаллалар аҳли ўз худудларининг саранжом-сарашталиги, ободлиги учун фаол меҳнат қилди. 29,8 гектар майдонда ободонлаштириш тadbирлари бажарилиб, 24,5 километр узунликдаги ариқлар тозаланди. Наврўз меҳр-муруват айёми-

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИХАТЛИК АЙЁМИ

дир. Шу боис байрам кунларида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Унга яқин эҳтижманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечақлардан иборат байрам совғалари тарқатилиб, қарийб йигирмата ижтимоий химояга муҳтож оилаларнинг уй-жойларини ҳафиз йўли билан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ҳамжихатлик ва ўзаро тотувликда экилаётган манзарали ва мевали дарахтлар келгусида кўчалар кўрқига кўрқ қўшиб, мамлакатимиздаги тинчлик ва фаровонлик рамзи бўлиши, шубҳасиз.

Насиба КАМОЛОВА,
Халқ таълими аълочиси, Сергели туманидаги 300-иштирослаштирилган мактаб директори:



борасида олиб борилаётган ишлар бугун ўзининг юксак самараларини бераётди.

Юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарасини бизнинг мактабимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Физика, математика, кимё фанларига ихтисослаштирилган ўқув муассасамизда 2 минг 633 нафар ўғил-қиз таълим ва тарбия олаётди. Мактабимизда физика, кимё, информатика хоналари замонавий асбоб-ускуналар, компьютер техникаси, спорт анжумлари билан тўлиқ таъминланган. Дарслар кенг ва ёруғ, барча шарт-шароити эга синфхоналарда ўтилади. Ҳукуматимиз ўртасида ўзаро таж-

барасида олиб борилаётган ишлар бугун ўзининг юксак самараларини бераётди.

Юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарасини бизнинг мактабимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Физика, математика, кимё фанларига ихтисослаштирилган ўқув муассасамизда 2 минг 633 нафар ўғил-қиз таълим ва тарбия олаётди. Мактабимизда физика, кимё, информатика хоналари замонавий асбоб-ускуналар, компьютер техникаси, спорт анжумлари билан тўлиқ таъминланган. Дарслар кенг ва ёруғ, барча шарт-шароити эга синфхоналарда ўтилади. Ҳукуматимиз ўртасида ўзаро таж-

барасида олиб борилаётган ишлар бугун ўзининг юксак самараларини бераётди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Мўйноқ кўчаси, 241-уй, 241-сонли жарима майдончасида сақланаётган «Матиз» русумли д/р 01/472ММА бўлган 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 24.06.2011й, №10-1117/10514. Бошланғич баҳоси – 12 436 442 сўм. 2. ДАТБ «Асакабан»га қарашли Миробод тумани Нукус кўчаси, 67-уйдаги гаражда сақланаётган «Нексия» русумли д/р 01/684GBA бўлган 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 26.07.2011й, №10-1110/8124. Бошланғич баҳоси – 14 137 349 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 1 май кuni соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 27 апрель кuni соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk Markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қоракамий кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

Мулкдорлар диққатига! Сиз учун имконият.

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ Сизларга кўчмас мулк ҳисобланмайдиган барча турдаги мулкларни, хусусан, ҳўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлар, автототранспорт ва бошқа техник воситаларни оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилмаётган хизматлар «Respublika Mulk Markazi» ЁАЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ
Сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2012 йил 1 апрелдан электр энергияси учун янги тариф киритилди.

Аҳоли томонидан маъмурий ҳаётибизнинг сунъи сарф қилинган ҳар бир кВт.сاعت электр энергияси нархи 97 сўм 50 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун 48 сўм 75 тийин белгиланади.

«Toshkentshahar elektr tarmoqlari korxonasi» очик акциядорлик жамияти маъмурияти

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент архитектура қурилиш институти қўйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади

Кафедра мудирлари: «Математика ва табиий фанлар», «Геодезия ва кадастр», «Касбий педагогика», «Қурилиш конструкторлари».

Профессорлар: «Иқтисодий ва кўчмас мулкни бошқариш», «Архитектура тарихи ва назарияси».

Доцентлар: «Информатика ва информатсион технологиялар», «Иқтисодий ва кўчмас мулкни бошқариш», «Фалсафа ва иқтимоий-сиёсий фанлар», «Архитектура тарихи ва назарияси», «Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкторлари технологияси», «Касбий педагогика», «Қурилиш конструкторлари».

Ассистентлар: «Иқтисодий ва кўчмас мулкни бошқариш», «Фалсафа ва иқтимоий-сиёсий фанлар», «Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектура», «Расм, рангтаъсир ва ҳайкалтарошлик», «Геодезия ва кадастр», «Расм, рангтаъсир ва ҳайкалтарошлик», «Изометрия ва компьютерда лойиҳалаш», «Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкторлари технологияси», «Геодезия ва кадастр», «Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги».

Кафедра мудирлари: «Математика ва табиий фанлар», «Геодезия ва кадастр», «Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги».

Кафедра мудирлари лавозимини танловда фан докторлари, профессорлар ёки фан ноҳозилари, доцентлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент ш. Навоий кўчаси, 13-уй, ходимлар иш юритиш бўлими ёки илмий котибга учрашишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: 244-18-78, факс, 241-80-00.

Яққасарой туманидаги 127-ўрта таълим мактаби томонидан 1994 йил 10 июнда Полванов Хамдам Комилович номига берилган А-514885 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти томонидан 2011 йил 10 июнда Зиёитдинов Зоҳидулло Бахтиёржон ўғли номига берилган В-№612575 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Тиббиёт академияси 1-клиникаси жамоаси клиника шифокори

Зайнура Усмонова ЗОКИРОВАНING

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Зиёда ВОХИДОВА

